



Оила соғлом экан — жамият мустақам, жамият мустақам экан — мамлакат барқарордир.

Ислом КАРИМОВ

6 (1209)-сон 11 февраль 2015 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

жамият

ЗУЛФИЖОННИМ
ИЗДОШЛАРИ



2

5



ЭРКАЛАТИШ БОШҚА,
ЭРКАТОЙЛИК БОШҚА

МЕХР ЮРАК
САНДИГИДА ЯШАЙДИ

6



СЕНСОРЛИ
АРИЛАР

7



ЎзА сурат-лавҳаси.

Қорақалпоқ болалари — эртамиз гул-лолалари

ЯХШИЛИГНИ КЎЗ ТУТАРСЕН...

Сочининг саводоси тушти бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.

Мен ҳуд ул тифли париёвашга кўнгул бердим, вале
Хонумоним ногаҳон бузулмагай бошдин яна.

Юз ямонлиф кўруб андин телба бўлдунг, эй кўнгул,
Яхшилини кўз тутарсен ул паривашдин яна.

Тош урар атфол мени, уйда фориг ул парий,
Телбалардек қичқиурмэн ҳар замон тошдин яна.

Оёғим етгунча Бобурдек кетар эрдим нетай,
Сочининг саводоси тушти бошима бошдин яна.

14 февраль — Заҳрииддин Мухаммад Бобур тавалдуд топган кун

Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,
Шикаста кўнглума эрмиш қаро бало сочинг.

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли,
Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг.

Сочинг шикастida бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур, очиса ул қаро сочинг.

Очилди кўнгли, чу очтинг сочинги, Бобуринг,
Не айб, агар деса дилбанду дилкушо сочинг.



4

ФУТБОЛИМИЗ ҚАЛДИРГОЧЛАРИ

Оиласларда соғлом турмуш тарзининг шаклла-ни ҳамда ўғил-қизларнинг баркамол бўлиб ул-ғайишларида жисмоний тарбия ва спортнинг ало-хидо ўрни бор. Бугунги кунда республикамида бир неча юзлаб болалар ва ўсмиirlар спорт мактаблари, тўғараклари, қолаверса, ҳар бир ма-халлада спорт майдончалири фаолият юритмоқда. Минглаб ўғил-қизларимиз спорт билан шуғуланиб, мамлакат чемпионатлари ва ҳалқаро турнирларда юқори натижаларни кўлга киритиб келмоқдалар.

Қашқадарё вилоятидаги "Насаф" футбол мактабининг ўзида хозирги кунда 339 нафар болалар ва ўсмиirlар футбол сирларини кунт билан ўрганишмоқда.

— Футбол мактабимиз ўқувчилари учун барча шартшароитлар яратилган, — дейди футбол мактаби директори Сергей Кучеренко. — Жумладан, 4 та фут-



бон майдони, ювениш, кийим алмаштириш, овқатланиш, дам олиш хоналари болалар ихтиёрига берилган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизning 5 та вилоятида мактабимиз филиаллари фаолият юритмоқда. Уларда 1186 нафар бола футбол билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўқувчиларимиз футбол мактабида нафакат спорт билан, балки, рус, инглиз тили, информатика, одам анатомияси фанларини ҳам чукур ўзлаштириб келишашапти. Уларнинг ҳаммаси бир эзгу ният — көлгусида Осиё ва жаҳон чемпионатларида юртимиз шаънини муносабиҳ ҳимоя килишга қодир кучли футбольчилар бўлишини кўнглига тушиб, астойдил изланмоқдалар.

Ахмаджон РИХСИБОЕВ,
"Оила ва жамият" мухбири.
Қашқадарё вилояти.

СУРАТДА: "Насаф" футбол мактаби мурраббийи Денис Каюмов ёш футбольчилар билан машгулот пайтида.

ТАРАҚКИЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Кече Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ҳалқаро муносабатлар доирасида 2014 йил давомида олиб борган фаолияти юзасидан ҳисобот таддиги бўлиб ўтди.

Анжуманд мамлакатимизда хотин-қизлар масаласининг ҳал этилиши, оила, оналиқ ва болалик ижтимоий муҳофаза қилиш, "Соғлом она — соғлом бола" ҳараратини ривожлантириш, аёлларнинг ҳамияти хаётидаги мавкеини ошириш каби масалаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мөҳиятини тарғиб этиш, мазкур қўмита тизимида ҳалқаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар кенг таҳлил этилди.

Юртимизда аёлларни улуғлаш,

уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган барча мухим хужжатларда хотин-қизларнинг манбаатлари, хуқуқ ва эркинликларини кафолатлаган. Шунингдек, мустақилик йилларида мамлакатимиздаги хотин-қизлар ташкилотлари дунё хотин-қизларни ҳараратлари билан бевосита мулокот қилишига имконият яратилди. Мазкур ҳараёнларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам фаол иштирок этиб кельмоқда.

— Ўтган йиллар давомида аёлларни хуқуқий, ижтимоий ҳимоялашга қартилган 100 га яқин миллий ва ҳалқаро хужжатлар қабул қилинди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ННТ фаолиятини мувофиқлаштириш гурухи раҳбари Дилбар Алимжонова. — Ўтган давр мон-

байнда юртимизда аёллар ҳарарати босқичма-босқич ривожланиб борди. Аёллар ҳараратини жаҳон андозалари даражасига кўтариш ва ҳалқаро аёллар ҳарарати билан муносабатларни мустаҳкамлашма киради. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб БМТнинг "Хотин-қизлар хукуклари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида" ги Конвенциясига кўшилди.

Ингилиш доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ҳалқаро лойихалар ижроини таъминлаш юзасидан хорижда ўтказилган таддигирларда иштирок этган вакилларнинг қиска маълумотлари асосидаги тақдимотлари ҳам наимойш этилди.

Таддигирда Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

ФАОЛИЯТ ВА ҲИСОБОТ

БАРЧА ҲЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКTLAR ДИҦКАТИГА!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъуль ходимларни Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 16 октябрдаги қарори иловаларига мувофиқ 1-S shakli, 2-S shakli, 1-yoqilg'i shakli, 2-yoqilg'i shakli, 1-elektr shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2015 йил 14 февраль кунидан

хамда 1-qurilish shakli, 2-qurilish shakli, 2-invest shakli, 2-invest shakliga ilova, 1-savdo shakli, 1-QX shakli, 1-FX shakli, 1-eko shakli, 4-eko-M shakli, 5-eko shakli, 7-eko shakli, 1-KB shakliga ilova (QX), 1-KB shakliga ilova (eko), 1-fan shakli, 1-innovatsiya shakli, 1-xizmat shakliga ilova, 1-xizmat shakliga 1-ilova, 2-xizmat shakli, 2-xizmat shakliga ilova, 1-lizing shakli, 1-kom shakli, 2-moliya shakli, 1-NTT shakli, 1-KB shakli йиллик давлат статистика ҳисоботла-

рини 2015 йил 15 февраль кунидан кечиқтирмаслигингизни эслатиб ўтамиш.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиб ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ хавобарларик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белgilangan жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлядаги "Статистик, солик, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат берисиши тартиб-тоамилларини тубдан қискартириш чоратадигарлари тўғрисида" ги Фармонига мувофиқ, 2014 йилнинг охирiga қадар барча ҳўжалик юритув-

Жараён

чи субъектлар статистик ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилиши белгилаб кўйилган.

2011 йилнинг 1 февралидан бошлаб. Давлат статистика қўмитаси расмий сайт (www.stat.uz) да электрон раками имзодан фойдаланган ҳолда статистик ҳисоботларни электрон кўринишда ийғиш тизими фаолият кўрсатмода. Бундай кўринишдаги давлат статистика ҳисоботларини интернет орқали жўнатиш тизими-нинг асосини eStat 2.0 дастурий таъминоти ташкил этилди.

Юридигарларни инобатга олиб, Сиздан топшириладиган барча турдаги давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этишининг тўғрисида яна бир бор эслатиб ўтамиш.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси,

Ўрта Чирчик тумани статистика бўлими.



ЗУЛФИЯХОНИМ
ИЗДОШЛАРИ

Дилрабо
НОРКУЛОВА



Сурхондарё вилоятининг Денов туманида тугилган.

2012 йилда адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. 2011 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузуридағи "Иход" жамоат фонди томонида. "Кўёшга яқин маскан", 2014 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тавсияси билан "Шарқ" нашриётида "Гулу гул ўйнаган менман" номли шеърий тўпламлари чоп этилган.

ЎЙГОНСИН

Майсалар ўйонди, кўз очди гуллар, Ўйонди суманбар, сарғу сунбуллар, Юраклар ўйғонсин, диллар кўнгиллар, Эртакларда қолган атлар ўйғонсин, Тафаккур ўйғонсин, қалблар ўйғонсин.

Гул термоқ бошқаю юлмоқ бошқадир, Гоғиллар бошқаю гумроҳ бошқадир, Ўйғоклар ўзгадир, огоҳ бошқадир, Юракда ҳақ деган зарблар ўйғонсин, Тафаккур ўйғонсин, қалблар ўйғонсин.

Маккор замона бу, дугули дунё, Ярми асал, ярми огули дунё, Ярми сиртлон, ярми оҳули дунё, Мехру шафқат деган тафтлар ўйғонсин, Тафаккур ўйғонсин, қалблар ўйғонсин.

Даҳоларинг ўйғоқ, Темуринг ўйғоқ, Жайхун ортиарида Бобуринг ўйғоқ, Исломинг ўйғоқдир, Гуруринг байроқ, Энди келаётган сафлар ўйғонсин, Тафаккур ўйғонсин, қалблар ўйғонсин.

МЕН ДАДАМНИ СОГИНАМАН

Дадамни согиниб йиглайман, дўстлар. Иқбол Мирзо

Армонларим дилда пинҳон, армонларим, Гулларимнинг бўйин кучган хазонларим, Ногоҳ дадам ёдга тушган замонларим, Ўзим ўзгаб, яна ўзим овунаман, Мен дадамни согинаман, согинаман.

Гоҳ ҳидин тўйғандайин бўлган чоғим, Бахти чоғим, менинг баҳтим кулаган чоғим, Балоларга балогардон қиблагоҳим. Ўзим ўзгаб, яна ўзим овунаман, Мен дадамни согинаман, согинаман.

Тенгқурларин кўрсан ўткам тўлиб кетар, Юраккинам аллақандай бўлиб кетар, Каражари қабимга юқ солиб кетар, Ўзим ўзгаб, яна ўзим овунаман, Мен дадамни согинаман, согинаман.

Мен онамга, баҳтимга бор бўлинг, дейман, Баҳти кўриб, кувончларга тўлинг дейман. Дуоғўйим бўлиб, омон юриғ дейман, Ўзим ўзгаб, яна ўзим овунаман, Мен дадамни согинаман, согинаман.

МАХАЛЛАДАН БОШЛНАР ВАТАН

АХИЛЛИК, ТОТУВЛИК БАРАКА КЕЛТИРАДИ

...Ўша куни пойтахти миздаги "Фурқат"номли истироҳат боғи ҳар қаочонидан гавжум эди. "Баротхўжа" маҳалласи аҳли бамаслаҳат жамулжам бўлиб, олти нафар боланинг суннат тўйини ўтказиши. Янги сарпойи тўй болаларнинг шодлиги ичига симайди. Уларнинг ҳар бирига биттадан велосипед тақдим этилганда кичкин тоҷийларнинг қувончга тўлганини сўз билан таърифлаш мушкул.

— Бундай хайрли ишлар ҳам азалий кадриятларимизнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, маҳалла аҳлини бирорига якинлашириди, ҳамжиҳатликка, аҳилликка унданди, — дейди Мирбод туманинг "Баротхўжа" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-алқоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Алимова. — Ушбу масъулиятли вазифада ишлабтанимга эндиғина бир ярим йил бўлди. Маҳалла фуқаролар йигини раиси Махкам ака Юнусов, отиномийиз Ҳанифа Носиржонова ҳамда бир катор нуроний отахон ва онажонлар, фаоллар билан биргалиқда кам таъминланган, моддий ва руҳий, қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ оиласларга, бокӯччисини йўкотганларга ҳамда вояга етмаган болаларга алоҳида эътибор қарятилизмиз. Шундома одамларимиз кенг феъл, хайр-саҳоватли, кимдир ҳимоя ёки ёрдамга зарурат сезиб турган бўлса, қараб

ўтиришмайди. Турли байрамлар арафасида ҳомийларимиз ўзларининг беминнат ёрдамларини ашмайди.

Махаллада ёшлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада ўюнтирилаётган спорт мусобакаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Маҳалла жамоат тузилмаси раҳбари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси раиси Шуҳрат Сайдмуродов бошилигига ўтган йили Ватанимиз Мустақилигининг 23 йиллик тантаналарига бағишиб "Кўйлик ота" ҳамда "Баротхўжа" маҳаллалари болалари ўтасида ташкил этилган шахмат-шашка мусобакаси кўпчиликда кат-

розига сабаб бўлаётган "хотин оши", "хатна тўй", "чаллар" деб номланган ҳар хилномдаги серҳаражат, кераксиз одатлардан бутунлай воз кечдик. Ҳайт байрамларida куда-андалар ўзаро келишиб, ёш келин-кўёвга кир ювиш машинасими, чанготиг ёки рўзгор учун зарур бўлган бирор анжомни олиб беришетгани аҳоли ўтасида илиқ кутиб олинди. Иккى тараф ўзаро келишиб, тўйларни ихам, дабдабасиз ўтказишмокда. Нотинч оиласлардаги айрим низо ёки келишмовчиликларни маҳсус гурухимиз иштирокида мухоммада қўлган ҳолда, имкони борича мурош ўйли билан ҳал қилишга эришяпмиз. Албатта, бу билан бизда хеч қандай муаммо йўк, ҳаммаси рисоладагидек десак, мубоблаға бўлади. Вактинча ишсиз фуқароларни ёки коллежларни битирган ёшларни иш билан таъминлаш, уйда бекор ўтирган келин-кизларни касб-хунар ўрганишинга кўмаклашиш, ёшларни спорт тугаракларига жалб этиш каби долзарб вазифалар ечими топиш борасида ҳам изланяпмиз.

Бир сўз билан айтганда, 3193 нафардан зиёд аҳоли истикомат килаётган мазкур маҳаллада фуқаролари ўтасида соглом турмуш тарзи, тиббий маданиятини янада юксалтириш, хотин-кизлар саломатлигини ҳимоя қилиш ҳамда кейинги пайтда кўпличиклини ўйлантираётган эрта ва якин қариндош-уруглар ўтасидаги никохларнинг олдини олиш, хуллас, барча долзарб масалаларга жамоатчиликка сунгян ҳолда ечим изланётгани кишини кувонтиради.

**Латофат САҶДУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири.**

та қизиқиши ўйғотди. Айни пайтда бундай беллашувларни ташкил этиш борасида маҳалла ёшларининг ўзлари ташаббус билан чиқишаётгани янада қувонарлиди.

— Маҳаллада соглом маънавий мухитин шакллантириш учун, энг аввало, оиласлардаги тинч-тотувлик, ҳамжиҳатлик катта аҳамиятга эга, — дейди маҳалла фуқаролар йигини раиси Махкам Юнусов. — Кексаларимизнинг "Тотувлик боржоида барака унади", деган гаплари бежиз айтилмаган. Маҳалламиздаги кўпни кўрган нуронийлар, шунингдек, фаоллар билан ҳамкорликда олиб бораётган тўй маросимларини ихчамлаширишга эришдик. Айнина, кейинги йилларда кўпчиликнинг эъти-



тугаракларига жалб этиш каби долзарб вазифалар ечими топиш борасида ҳам изланяпмиз.

Бир сўз билан айтганда, 3193 нафардан зиёд аҳоли истикомат килаётган мазкур маҳаллада фуқаролари ўтасида соглом турмуш тарзи, тиббий маданиятини янада юксалтириш, хотин-кизлар саломатлигини ҳимоя қилиш ҳамда кейинги пайтда кўпличиклини ўйлантираётган эрта ва якин қариндош-уруглар ўтасидаги никохларнинг олдини олиш, хуллас, барча долзарб масалаларга жамоатчиликка сунгян ҳолда ечим изланётгани кишини кувонтиради.

**Латофат САҶДУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири.**



БОБОМИЗ МЕРОСИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШДИ

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган 219-умумий ўрта таълим макtabida тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлиги муносабати билан Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ўтмишида қандай буюк ишларни амала оширгани, унинг Хиндистонда Бобурйлар салтнатига асос соглан ҳукмдор бўлиши билан бир катorda, ёзувчи, давлат арбоби, географ ва фикрхунос олим бўлганлиги борасида кўпльб манбалар ёдга олинib, мактаб ўқувчилари ўтасида баҳс-мунозарага бой тадбирлар ташкил этилди.

"Бобурнома" асарини ўрганиш жаравенида Бобур ҳаэрратларининг давлат юритишида инсонпарварлик гояларига қатъий амал қилганини билиб олиш мумкин. Асарда салбий иллатлардан бирин майхўрлик кораланган. Шоҳ Бобур бу жаҳда фармон ҳам жорий қилган. Бундан ташкири ўша даврда хиндистон-

ликларга хос бўлган яна бир бидъат — курбонликка ҳам барҳам берилади. (Яъни, эркак киши ҳолок бўлса, анъанага мувофиқ, унинг жасади гулханда кўйдирилар, мархумнинг хотини ҳам тириклай ёқиб юборилар эди.)

Ана шундай воқеа-ҳодисалар ўқувчилар томонидан саҳна кўринишлари орқали намойиш этилди. Фан ойлигига ўқувчилар улуг бомбомиз Бобурнинг маънавий-маърифий мероси накадар бой эканлигидан фарҳ хиссини тутишди.

**Зебинисо ФАФФОРОВА,
Олмазор туманинаги 219-умумий
ўрта таълим мактаби ўқитувчisi.**

Илм фидойилари

ОЛИМЛАР ОИЛАСИ САРДОРИ

Илм йўлини бежиз игна билан қудук қазишига менгзашмаган. Инсоннинг мashaққатларга чидамлилиги, сабр-иродаси синовдан ўтади. Ва эл орасида бундай инсонлар ўзгача бир меҳр-муҳаббатга, иззат-икромга мусассар бўладилар. Ўзининг табаруқ 75 ёшини нишонлаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Сарвар Қодировни чин маънода илм фидойиси десак арзиди.

Сарвар аканинг ҳаёт йўли бир неча томлик китобу, кўп кисмий киноларга мавзу бўлгулик, десак муболага қўлмаймиз. Чунки у эндиғина тўрт ёшга кирган маҳали отаси Муқаддир ака Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Етим қолган беш норасида болани мунис онаизори Ҳожиябону опа кўз корачигидек асрар-авайлаб вояга етказди. Улар орасида Сарвар аканинг илмга бўлган меҳри бўлакча эди. Шу боис, у мактабни ҳам, олий ўкув юртни ҳам имтиёзли равища битириб, ўз илмий салоҳиятини техника соҳасида намоён этишга интилди. Аввал номзодлик, кейинчалик эса докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Ўзининг ярим асрдан кўпроқ меҳнат фаoliyati даврида олий ўкув юртлари талабалари учун автотранспорт, автомобилсоилик ва йўл коммуникациялари соҳаси бўйича катор дарслар кўлланмалар яратди, юзлаб шогирдларга устозлик кидди. Самарали ишлари давлатимиз томонидан муносиб қадрланди.

Ибратли жиҳати, бу хонадонни кўпчилик фахрланиб, олимлар оиласи деб атайди. Раҳматли умр йўлдоши Аъло Қодирова ҳам кўп йиллар Тошкент автомобиль-йўллар институтида ишлаган, техника фанлари номзоди, доцент эди. Улар ҳамжиҳатликда иккى фарзандни меҳр билан тарбиялашиди. Иккala қизлари ҳам ота-оналарига муносиб ворис бўлишни ният қилишган: Нигораҳон — илмий ходим, таржимон, Ойдин сиза олима, доцент.

Устоз ҳамон тиниб-тинчмайди. Илмий ва бадиий китоблар мутолааси, қолаверса, ўзининг унунтилмас хотираларини ёзиш билан машгул. Шунингдек, қадрдан илм масканига келиб, шогирдларидан йўл-йўрик, маслаҳатларини аямайди.

**Дагар ДАСУЛОВ,
falсафа фанлари номзоди, доцент.**

ХАТЛАР ВА ТАҚДИРЛАР

“ЯҲШИЛАРГА ТАЪЗИМДАМАН!”

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари!

Уйбу ҳатни Ғиждувон шаҳридаги "Бобур" маҳалласидан йўлла-ялтирилган газетамизнинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутамиз.

Маҳалламизда хотин-қизлар билан ишлаш яҳши ўйла қўйилган. Ота-синевилларимизнинг ҳар бир ўзларини қўйиётган эрталтираётган мумаломалар хусусида биз билан маслаҳатлашиди. Уларга маҳалла фуқаролар йигини раиси, маслаҳатчи ва фаоллар билан биреаликда ечим топамиз. Ҳонадонларни айланаб, беморлар, кексаллар ҳолидан хабар оламиз, ҳар бир оиласини қувонч ва ташвишига шерик бўламиз.

Ғиждувон пахта тозалаш заводида ўттиз бир йил лаборант бўйли ишлаб Гулнарахон Ёдөрова оғир хасталик туфайли ўйда ётиб қолган. Яқинда ҳолидан хабар олгани кирганимизда, у "Оила ва жамият"нинг янеги сонини ўқиб ўтирган экан.

— Дунёда саҳоватли инсонлар кўп-да, уларнинг яҳшилиги бошингга дард келганда билинкаркан, — дейди Гулнарахон. — Мана, маҳалла аҳли ҳамиси ҳолидан хабар олиб турибди. Мен ишлаб Газетадан раҳбарни Аброржон Ахтамов сингари ўз ходимларига эттиборли, жонкуяр инсонларнинг борлигига шукур. Музаффар Умаров, Аслиддин Ҳамидов ва бошқа ҳамисабларим ҳам мени мoddий-маънавий жиҳатдан кўйлаб-куватлаштирилти. Ишонасизли, уларнинг: "Тезроқ согайиб, сағимизга қайта қолинг, ўрнингиз билиняти", деган бир оғизигина гаплари кўнглижини тօғдек кўтариади. Шу кунларда бир нарсани — саҳоват фақат мoddий ёрдамда эмас, балки, ширин сўз ва меҳр кўрсатишда ҳам эканини англадим. Агар мумкин бўлса, Ғиждувон пахта тозалаш заводи раҳбарияти ва барча жамоа дошаримизга "Оила ва жамият" газетаси орқали миннатдорчилик билдиримокси эдим. Мана шу меҳрибонларимизнинг борига шукур.

Гулнарахонинг чин дилдан айтган уйбу илтимосини сизларга ўйла-ялтирилган. Зоро, бағри кенг, кўнгли дард ёдамларини ҳайрли амалари ҳамиси ишлаб қўйиб кўрсатишга арзиди.

**Марзия ФАТТОЕВА,
Ғиждувон шаҳридаги "Бобур" номли маҳалла
хотин-қизлар кўмитаси бошлангич
ташкилоти раиси.**

НАВОЙ ВА БОБУР: ЭХТИРОМ, ЭЪЗОЗ ВА АРМОН

Шарқшуносликда XV-XVI аср адабий муҳити ҳақида гап кетганда, албатта, буюк шоир, мутафаккир Алишер Навоий ҳамда машҳур саркарда, давлат арабби, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида мулоҳаза юритилади. Чунки бу иккى мўтабар зотнинг, нафақат, ўзбек адабиёти, балки, умумбашарий маданият тараққиётига, жаҳон адабиёти хазинасига беҳисоб ҳисса қўшганликларини бутун дунё аҳли эътироф этади.

Навоидек ардоқ ва обр-эътиборга эга бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бой ижодий мероси ҳам узоқ йиллардан бўён ўрганилигидан, тадқик этиб келинмоқда. Бобур давлат арабби, лашкарбоши бўйлиши билан бирга шоир, адеб ва олим ҳам эди.

Албатта, Навоий ва Бобур муносабатлари хусусида турил илмий қарашлар мавжуд. Бобур Навоий билан бевосита учрашмаган бўйса-да, улар орасида илик муносабат бўлган. Бобур ўз асарларида Алишер Навоийни йигирмага яқин ўринда тилга олган. Хусусан, "Бобурнома"да ўйимиз: "Бу иккинч навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тириз эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим... Жавоб келгунча, тафрика (иттифоқсизлик, тарқоқлик — И.И.) ва фаво бўйла" ("Бобурнома", 81-б).

Яна бир ўринда Бобур Алишер Навоийни бенихоя хурмат ва эҳтиром билан тилга олади, уни эъзозлайди: "Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эмас... Ахли фазл (илм ахли — муал.) ва ахли хунарға Алишербекча, мурраббий ва мукаввий (куват берувчи — муал.) маънли эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай" ("Бобурнома", 132-б)

Шунингдек, Бобур "Бобурнома"да Андикон таърифини келтиришда Навоийнинг Андикон лахжасида ижод килганлигини айтиб ўтади: "Эли туркдир. Шахри ва бозорида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам билан росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг муссаннафоти, бовужудким Хирижа нашу намо топибур, бу тил биладур" ("Бобурнома", 34-б.) Матнинг ўзбекча тадбилини ҳам келтирамиз: "Эли туркдир (ўзбекдир). Шахар ахолиси ва бозорга келувчилардан туркйни билмайдиган киши йўқ. Элининг тили адабий тилга мувофиқ. Шунинг учун ҳам Мир Алишер Навоийнинг асарлари, гарчанд Хириж (Хирот)да шурхат қозонган бўйса-да, бу тил билан ёзилган" ("Бобурнома", 29-б.)

Бобурнинг Навоий ижоди ҳақида мазкур фикрлари бугунга қадар турлича талқин килинади. Кўпгина тадқиқот-



чилар Бобур билдириган муҳозаларни айнан қабул қиласлар, айримлар бунга бошқачароқ ёндошадилар. Хусусан, жаҳонга машҳур олимлардан А.Вамбери, Н.И. Ильминский, А.Ю. Якубовскийлар Бобурнинг Навоий асарлари ҳақидаги фикрларини тўлиқ қабул қиласлар. Лекин А.К. Боровковнинг ёзинича, Н.И. Ильминский ўша давраги жонли тил билан умумадабий тилининг бу қадар яқин бўлганлигига, қолаверса, бу тилда Навоий ўз асарларида кўллаганчалик даражада хорижий тил унсурларининг кўп бўлганлигига шубҳа билан қарайди (Боровков А.К. "Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка"// Алишер Навои — М., Л., Наука, 1946. 98-б.)

А.Ю. Якубовский XV асрда ўзбек тилининг маданий жиҳатдан юксак бўлганлигини эътироф этади. Навоий тили шахар маданиятининг нозик ирмоқларидан сув ичганлигини, халқ тили билан уйгунлашганлигини билдириб, Бобурнинг Навоий асарлари тили ҳақидағи фикрларини кўллаб-куватлайди.

Ўзбек олимларидан В.Абдуллаев, Ф.Абдуллаев, Х.Дониёров, К.Содиков, З.Холмоновар ҳам Бобурнинг фикри ҳақида ўз қарашларини баён килишади. Х.Дониёров ёзади: "В.А. Абдуллаев... "Алишер Самарқандда" мақоласиди "Бобур Алишер тилининг андиконликларининг муомала муносабатига яқинлигини, Андикон тили билан рост келишини эътироф этади... Алишер тилинаги кўнини келишини бўрттириб кўрсатишга унда ҳеч қандай эҳтиёж ёки маҷбурийлик йўқ эди. Бу унинг тарих ҳақидағи ҳақонийи волисона фикри эди.

Бобурнинг устоз Навоийга бўлган чукур хурматини хинд адабиётшунос олими Камар Раис юкори баҳолайди. У Тошкентдаги учрашувлардан бирида кўйидагилар-

сабабни, бизнингча, андижон шевасининг Навоий тилига асос бўлишини изоҳловчи важли далиллардан бири деб кўрсатиш мумкин" (Дониёров X. "Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир Навоий ва адабий таъсир масалалари". — Тошкент: Фан, 1968. 291-б.) Шунингдек, Х.Дониёров В.Абдуллаев фикрларига суюниб, Навоийнинг Самарқандада иккى йил эмас, балки 4-5 йил бўлганлигини, бу вақт ичida Навоий Самарқанднинг жануб томонларидагина эмас, балки шарқ томонларida, яъни Андиконда ҳам яшаган бўлиши эҳтимоллигини, шунингдек, Навоий Андикон шеваси билан болалик вақтларида Хиротдаёт таниши бошлаган бўлиши мумкинлигини, бунинг сабаби Хиротга Андикон томондан жуда кўплаб усталар, аскарлар, аскарбосилар, косиблар, айниқса, андиконлик шоир ва машшоқларнинг борганилигини ва уларнинг яхши обрга эга бўлганлигини кўрсатиб ўтади (Дониёров X. "Кўрсатилган асар", 291-б.).

З.Холмонова Бобур фикрининг К.Содиков талкинида шаклини маъқул кўради: "Эли туркдир. Шахри ва бозорларида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қалам билан (ёзма адабий тил билан) мосдир. Не учунким (ажабланарлиси), Мир Алишер Навоийнинг таснифлари (асарлари), (унинг ўзи) Хирида ўсиб улгайганига қарамай — ушбу тилда (Фарғона ва Хирот адабий мұхитлари учун ягона бўлган адабий тилда)дир" Холмонова З. "Бобурнома" лексикаси. — Тошкент: Фан, 2007. 46-б.)

Албатта, Бобурнинг Алишер Навоий асарлари тили ҳақидағи бебаҳо фикрлари унинг Навоий асарларини жуда яхши билганидан ва унга нисбатан безъитоб бўлмаганидан далолат беради. Айтиш мумкинки, Бобурнинг Навоий тилининг Андикон лахжасига айнан мос келишини бўрттириб кўрсатишга унда ҳеч қандай эҳтиёж ёки маҷбурийлик йўқ эди. Бу унинг тарих ҳақидағи ҳақонийи волисона фикри эди.

Бобурнинг устоз Навоийга бўлган чукур хурматини хинд адабиётшунос олими Камар Раис юкори баҳолайди. У Тошкентдаги учрашувлардан бирида кўйидагилар-

Барҳаёт сиймолар

ни баён қилади: "Ўзбек ва хиндарнинг улуг шоир, лашкарбоши Заҳириддин Муҳаммад Бобур Хиндистонга боратуриб, Хиротдаги эски кулбада бир неча кун тунаб қолади. Бу кўйларни таажжублантириди, албатта.

— Шоҳим, Сиз учун ахратитилган маҳсус қаср колиб, ҳароба кулбада тунашингиз сабаби нимада? — деб сўраб қўйларди.

Бобур шундай жавоб бер-



ди:

— Бу кулбада бир неча йил муқаддам Мир Алишер Навоий истиқомат қилгандар, бу ер мен учун ҳар қандай шоҳона қасрдан ҳам мудаккадасидир. Шу сабабли бир неча кунлик вақтимни шу жойда ўтказишига қарор килдим, токи ҳазрат рухлари менга маддадкор бўлсин" (Назарова Х. Бобур ва ўзбек адабий тили. — Тошкент: Фан, 1983. 13-б).

Албатта, Бобур учун устози Алишер Навоий билан шахсан суббатдош бўлолмагани катта армон эди. У 1506 йилда Хиротга келганида Навоий вафот этанди. Алишер Навоий яшаган уйни, у курдигран иморатларни ва албатта, унинг макбарасини зиёрат қиласиди. Ҳусайн Бойкаронинг ўғиллари Бадиузвазмон Мирзо ҳамда Музофар Мирзолар томонидан хурмат



ни бўйни таъсир масалалари" — даҳа — бу сўзнинг тубилдиши "қишлоқ" маъносини билдириган. Ўтмишда қишлоқ жойларида бир неча қишлоқдан, йирик шаҳарларда эса, бир неча маҳалла, мавзедан иборат бўйлан маъмурий ҳудудий бирлик даҳа деб аталган. Шунингдек, даҳа сўзнинг ўтналиқ, ўн йиллик, ўн кун ва ишак қуртигининг ўйкуга кириш палласи маънолари ҳам мавжуд.

Дарров уч кишини Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларига хабар учун жўнатишиди.

Абдулла Кодирийнинг "Ўтган кунлар" романидан.

ТАМФА — ахратиш, кимга тегиши эканини кўрсатиш учун кўйиладиган белги маъносини билдирадиган бу сўз аслида "боғла" мазмунини англатадиган "так" феълига "-ма" қўшимчасининг кўшилишидан ҳосил қилинган ва дастлаб бу сўз "тафма" шаклида бўлган. Бу сўз тараққиёти "Ўзбек тилининг этиломологик луғати"да куйидагина кўрсатилган: "так" — "такма" — "тафма" — "тамфа".

КИНО — бу сўз тилимизга юон тилидан кириб келган бўлиб, "ҳаракатга келтираман" деган маънони билдиради. Кино суратларнинг ҳаракатланishiдан пайдо бўлгани учун ҳам шундай аталган.

Режиссёр Жавлон Содик кино оламидаги янгиликлар билан танишаркан, ўзи ҳақида журналистлар билдирадиган фикрларга қизиқиб кетди.

Журналдан

САНЬАТ — тилимизда бадий ижод маъносини англатган "санъат" сўзининг тубилдиши "безади" деган мазмунни ифодадаган. Дарҳақиат, санъат асосий мезони гўзалликдир.

Санъат одамларнинг бадий тафаккурини юксалтиришга, туйгуларини тарбиялашга хизмат килади.

Газетадан

Эшқобил ШУКУР тайёrlади.

ЭРКАЛАТИШ БОШҚА, ЭРКАТОЙЛИК БОШҚА

Оиласа фарзанд дунёга келди. Унга яхшигина исм қўйилди. Эркаликлари ўзига ярашган болакайнинг шўхлиги уйга файз, қувонч олиб кирди. Икки ёшлигига дадасининг қандай қилиб сигарета чекишини миттигини қўлчалари билан кўрсағиб берганида, бобоси юбувиши уни ширинликлар билан сийлашиди...

Бола тўрт ёшга тўлганида, боғчада ўртоғини уриб, бурнини қонатди. Она бундай қилиш яхшинаслигини ўғилласига ўқтиаркан, ота уни гап билан силтаб ташлади ва: «Менинг тойчогим, ҳакиқий ўғил бола-да! Боллабсан, ота ўғил, ҳеч кимдан кўркмагин!» деб «жажхи зўравон»ни руҳлантириди.

Бола мактабга чиққанида ҳам отасининг «ўйтглари»га амал қилди. Парташод ўртоғини аямай калтаклагани учун ўқитувчиси уни жазолаганида, яна отаси боланинг ёнига тушди. Мактабга бориб, муаллимларни беобру қилгани етмагандек, ўлига каттиқсўллик килган ўқитувчини ишдан бўшишиларини сўраб, «юқорига» арзона ёзиди. Ҳафталар давомида чўзилган музокаралардан сўнг у боласини бошқа мактабга кўйиди. У ерда ҳам ҳеч ким болага қаттиқ гапирмади... Тўғрироғи, гапиролмади...

Бола мактабни тамомлади. Энди у химоячига муҳтоҳ эмасди. Чўнтигидан сигарета топиб олган дадасининг дўй-пўписаларини писанд ҳам килмади. Аксинча дадасига истехзоди тиржайиб:

— Ўзингиз ҳам чекасиз-ку, нимага менга ақл ўргатасиз? Үйда ҷектирмаганингиз билан барибир кўчада чекаверман, — деди.

Бундан фазабланган ота кўлига илнган нарсани ўғлига қараб улоктириди. Бола эса сўқинди. Бир зумда ҳовлида тўполон бошланди.

Шундан сўнг оиласа осоиштаткини сақлаш учунми, она ўғлининг жуда кўп айларини отасидан яширадиган бўлди... Йигит жиноят содир этиб, жазога тортилганида; ота-онанинг боши эгилди. Мунгайб, бирбирига қараб ўтиришаркан, негадир боланинг биринчи синфда ўқитган устозининг алам билан айтган сўзларини эслашди: «Эркалик ва эркалатишнинг меъёри бор, ўғилми-қизми, барибир, оиласа олган тарбияси пой-

девор бўлади. Сизлар эса буни анча талтайтириб юборибизлар, халиям кеч эмас, жиддий шугулланинглар». Кайда, эр-хотин тирикчилик билан овора бўлишиди. Алал оқибат... Энди кеч эди...

Дарҳақиқат, истаймизми-йўқми, ҳар қандай тарбия оиласада бошнади. Бола энг аввало, ота-онасининг юриш-турши, муомала-муносабатлари, маҳалла-кўй билан салом-алигидан ўрнак олади. Афсуски, аксарият ота-оналар: «Тарбия жараёни бочга ва мактабдан бошланади», деб хисоблашади. Руҳшуносларнинг фикрича, бола беш-олти ўшгача илк ҳаётли тажриба ва кўнгималарни ўзлашиби олар, шу давдрда унинг феъль-автори шаклланаб бўларкан. Кейинги йилларда эса у факат сайқалланар экан, холос.

Назаримда, биз ҳамон оила ва таълим маснандиги тарбия тизимини ўзий бир бутунлик ҳолига келтира олганимиз йўқ. Барча оиласаларда ҳам фарзанд тарбиясига жиддий эътибор қаратилмоқда, деб айти олмаймиз. Шундай хонадонлар борки, иқтидори кўриниб турган, озгина турткни берилса, яхши натижаларга эришиши мумкин бўлган болалар тақдирига лоқайдлик билан муносабатда бўлишиди.

Бола тарбиси ҳақида сўз кетганда, ҳалқимиз тилидаги ушбу мақол ёдимииз келади: «Бир болага етти маҳалла ота-она». Эндиликда бу нақл ўз қадрни йўқотмадими, деган саволга, афсуски, барадла «ҳа» деб жавоб берга олмаймиз. Негаки, кўчада бемаънилик қилаётган, ўртогига ўмон сўзлар айтиётган болани ҳаммамиз ҳам тартибида қақуравермаймиз. Кўпчилигимиз кўриб туриб, ўзимизни кўрмаслиқка соламиз. «Хозир боласига танбех бериб, эртага ота-онасидан бошим балога қолсими?» деймиз-да, бепарвонлиқ қиласмиз. Балки бу фикримизни ўзгартириш вакти етгандир...

Оқ-корани ажратган, ҳаётда ўз ўрнини топган, иқтисоди булиб ишлайтган Муроджон исмли киши билан сұхбатлашганимизда, у куюнчалик билан шундай дейди: «Болалигимни яхши эслайман, кўчага чиқа-

ётганимизда онамиз: «Фалончи билан ўйнаманлар», деб қаттиқ тайинлардилар. «Нега?» деган саволимизга: «Чунки у ўмон бола», деб жавоб берардилар. Бизга шу гапнинг ўзи етарди эди. Ўйнаётганимизда «Фалончи» ёнимизга келиб, даврамизга кўшиломчи бўлса, ҳудди ёвни кувандек, уни кувардик, яккалаб кўярдик...

Энди ўйлаб қоламан. Хўш, унинг нимаси ўмон эди? Ота-онаси кўп жанжаллашгани, отаси ичкиликка бе-рилгани учунгина ойиларимиз уни ўмон дермиди? Ҳа, ҳудди шундай. Тан олиш оғир, лекин боланинг «ўмон

кўрик-танлов ва тадбирларда қатнашмаряпти?

Худди шу саволларни муаллима бердим.

— Э, қизиқиши йўқ, истеъдодсиз болани одам қилиб бўлармиди?! Дарсда жим ўтиришсаям уларга раҳмат деймиз.

Мана, вояга етмаганлар ўртасида салбий ҳолатлар илдизи қаेरга бориб тақалаяпти. Аслида истеъдодсиз боланинг ўзи бўлмайди. Минг карра уқувсиз болада ҳам нимагадир қизиқиши бўлиши табиий. Буни илғаб олиш, дарсда тўполоғ килмагани учун «рхмат» дейиш ўрнинг, кўнглига йўл топиш керак эмасми?

Устоз педагогнинг фикрлари қанчалар тўғри бўлса, мана бу хунарманд аёлнинг сўзида ҳам жон бордай: «Дуғонам мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Айтишича, айрим ўқувчиларининг оталари хорижда экан! Бирор

ларининг дадаси, иккича, беш йилдан бери уйга қайтмайтганни мишиш.

Ўша хориждаги оталар, балки: «Болаларим яхши яшасин, камлик кўрмасин», деб пул топаётгандир. Аммо улар олтиндан ҳам қиммат нарсани кўлдан бераётгандарни англамаётгандарни. Ахир, бугун ота тарбиясини, меҳрини кўрмай ўсаётган бола эртага ота-онасига хузур-ҳаловат бағишлай олармикан?

Яна бир гап. Ота-онаси ажрашиб кетиб, факат оналари кўлида тарбия то-паётган болаларнинг ҳозирданоқ ҳаётдан алам-зада экани, баҳти, яшаш тарзи тўқис тенгдошларига ҳасад билан қараётгани ҳам кўнглига оғир солади-да... Муаллим ва муаллималар бундай болаларга мактабда ҳарчанд эътибор берсаларда, оиласа ҳам ота, ҳам она меҳрига ташаликни нима билан қондириш мумкин!»

Мамлакатимизда ўғил-қизларнинг ҳар тарафлами етук ва баркамол этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилайтган бир даврда ўқоридаги каби муаммоларга бефарқ қараб бўлмайди. Ҳар бир ота-она ўз бурчини вижданан англаста, шундагина болалар баркамол бўлиб вояга етади. Балоғатга етмаганлар орасида ҳукуқбузарлик ва бошқа кўнглиларни ўтказилган танловларда ҳам ҳудди ўша ўғил-қизларни кўрган эдим. Хўш, унда бошқа болалар қаерда? Нега улар ҳам мана шундай

бўлиб қолишига» тўла-тўқис катталар айборд, менимча... Агар ўша «Фалончига» ҳам болалик чоғида одамлар кўлнини бигиз қилиб кўрсатиб: «ўмоннинг боласи — ўмон бола» демаганида, ёғлизлатиб кўйишмаганида, у ҳам балки яхши одам бўлиб улгаярмиди. Мен бунга ишонаман ва каттапарнинг бугун бундай хатони тақорламасликларини истайман»...

Бу ҳаётли ҳақиқат замиридаги оғир, ва муаммо илдизини англагандирисиз, муҳтарам ўқувчи.

— Якинда бир даргоҳда бўлдим,

